


**UZA** | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ  
(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2021 ЙИЛ ДЕКАБРЬ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр**

**2021 йил декабрь ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

**Таҳрир кенгаши**

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
Қ.Ш.Омонов	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Н.Х.Обломуродов
	Г.А.Мардонова

**Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

**Филология**

**УДК 340.149; 821**

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР”  
ДЕВОНИДАГИ БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ**

**Насиба Пўлотжонова БОЗОРОВА**

филология фанлари номзоди

доцент

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

n.bozorova@tsul.uz

**Аннотация**

Мақолада Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 309-ғазал шарҳ этилган. Ғазал мазмун-мундарижаси, шоирнинг ғоявий-бадий мақсади, ирфоний тушунчалар мазмуни, улуғ шоирнинг ўлим ва ҳаёт, нафс хоҳиши ва дунёга муҳаббат кўйиш оқибатлари ҳақидаги маърифий қарашлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Алишер Навоий, образ, ғазал, шоир, лирик қаҳрамон, кўнгил, нафс, дунё, инсонийлик, маърифат, тасаввуф.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОДНОЙ ГАЗЕЛИ ИЗ ДИВАНА АЛИШЕРА  
НАВОИ “ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР”**

**Насиба Пулотжонова БОЗОРОВА**

кандидат филологических наук

доцент

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

n.bozorova@tsul.uz

**Аннотация**

В статье комментируется 309-я газель Алишера Навои в его сборнике «Гаройиб ус-сиғар». Охватывается содержание газели, идейная и художественная цель поэта, содержание мистических концепций, просветительские взгляды великого поэта на смерть и жизнь, прихоти собственного я и последствия любви к тленному миру.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, образ, газель, поэт, лирический герой, сердце, душа, мир, человечество, просвещение, мистика.

Мумтоз шеърятимизда кўп ҳолларда даҳр, дунё ва унга ҳос ишлар қораланади, лирик қаҳрамоннинг дунё билан муроаса қила олмаслиги, керак бўлса, ундан юз буриши, уни тарқ айлашидан сўз юритилади. Бундай

ғазалларда гўё хаёт фалсафасига зид фикр илгари сурилаётгандек туюлади. Чунки ёшу қари – барча учун яшаш завқи устун. Ҳеч ким ўз ихтиёри билан дунёдан кетишни, хаёт гўзалликларидан жудо бўлишни истамайди. Зеро, гўзаллик, завқ, шавқ хаёт билан муқаррар. Аслида, хаётсеварлик, гўзалликка ошнолик бошқаларга нисбатан кўпроқ шоирларга хос. Шундай экан, унда нега мумтоз шоирларимиз мудом давронун даҳр, дуну жаҳонни ёзғиришган, ундан нолишган? Бундай ҳукм чиқаришга бир оз шошилмайлик. Дунё, даврон ва даврдан ҳасрат этилган, ундан қутулишга ундалган ўша шеърда чуқурроқ назар солиб, шоир айтмоқчи бўлган фикрни, поэтик образлар моҳиятини тўғри илғайлик. Шунда шоирларимиз дунёни “қоралаб” инсон хаётининг бетакрорлиги, яшашнинг нечоғли улуглиги, оламнинг ниҳоятда гўзаллигидан баҳс юритганига амин бўламиз. Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган қуйидаги ғазалда ҳам шоир айна шу хусусда фикр юритган:

*Истасангким, ургасен давронга тийги инқитоъ,*

*Ул видо эткунча сен қилгил бурунроқ алвидоъ.*

*Жон бериб ширину муҳлик жоҳ учун илгингда тийг,*

*Назъ вақти шарбати марг истаб айлайсен низоъ.*

*Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким,*

*Ҳашир бозорида беқийматдурур мундоғ матоъ.*

*Масканинг охир чу туфроғдурур, не ўткармакдурур*

*Мадфанинг айвонига кўк гумбазидин иртифоъ.*

*Сандалойин эв ясаб, элдин кўрарсен сарзаниши,*

*Ким, бу янглиз кўрди сандалники, еткургай судоъ.*

*Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин хам бўлуб,  
Тенгри ёрингим, қилибсен хуш намозе ихтироъ.  
Дур қулогингда момуқдин бир чигитдур, эл сўзин  
Бу момуқ бирла чигитдин айламансен истимоъ.  
Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендин шужоъ.  
Эй Навоий, тенгри асрориға тил маҳрам эмас,  
Чок кўнглунг ичра тутким “жоваз-ал-иснайни шоъ” [1].*

Улуғ шоир ушбу ғазалда инсонийлик шарафи, инсон учун ҳаётнинг қанчалик юксак қадр-қиммат касб этиши хусусида сўз юритган. Ғазал арузнинг рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган бўлиб, мазмунига кўра орифонадир. Ғазалнинг бутун мазмуни арабий қофиядош сўзларга юкланган. Унда лирик қаҳрамон ўқувчини ўзлигига назар солишга, олам ва одам ҳақиқатларини мушоҳада этишга чорлайди.

Улуғ шоир анъанавий тарзда ғазалнинг биринчи байтиданок лирик қаҳрамон ва дунё ўртасидаги зиддиятга эътибор қаратади. Шоир таъкидича, “давронға тийғи инкитоъ” этмоқ истаган, яъни дунёни ўлдирмоқчи, йўқ этмоқчи бўлган одам дунёдан “бурунроғ алвидоъ” демоғи лозим. Хўш, шоир бу билан нима демоқчи? Унинг инсонни даврон билан видолашувга чорлашини қандай тушуниш мумкин? Байтда тилга олинган бу тушунчада қандай поэтик мазмун яширин? Бу каби саволларга жавоб топиш учун байтдаги “бурунроғ алвидоъ” бирикмасига эътибор қилиш ва ундан кўзда тутилган мақсадни ойдинлаштириш лозим. Мазкур бирикма тарихи ва мундарижасини ёритиш орқали эса улуғ шоирнинг поэтик мақсади аёнлашади. Зеро, адабиётшуносларимиз таъкидлаганидек, Алишер Навоий

ғазалларидаги диний-тасаввуфий, рамзий-мажозий сўз ва тимсоллар шеър мазмунини очувчи “калит”, шоир қалби томон етакловчи йўл вазифасини ўтайди [1].

Шоир бутун ғазал мазмунини, айтмоқчи бўлган фикрларини биргина “бурунроғ алвидоъ” бирикмасига сингдира олган. Бу бирикма тасаввуфда кенг тарқалган “Ўлмасдан бурун ўлиш” ғоясини ёдга солади. Бу ғоя пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг инсон ичидаги энг катта душман – нафснинг ўлимини эътиборда тутиб айтган “Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадислари асосида юзага келган. Тасаввуфда эса бу тушунча валийлик мартабаларига ташланадиган илк одим ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган камол даражаси сифатида талқин этилади [4]. Демак, ғазалда улуғ бир моҳият – ўзлиги томон қадам ташлаётган инсоннинг бажаражак амалларидан сўз юритилади. Шоир эътирофича, инсон дунёга тийғ ургунча, ичидаги дунёдорлик ҳиссини йўқотиши, кўнгилдаги молу давлатга бўлган иштиёқни сўндириши лозим. Чунки, дунёпарастлик – нафс истаги. Нафс истаклари қалбдан кетиши билан янги руҳоний ҳаёт бошланади. Шу боис ғазалнинг илк байтиданок ўзида руҳоний ҳаёт завқини топа олган лирик қаҳрамон ўқувчини ҳам бу завқдан баҳрамандликка чорлайди, “бурунроқ алвидоъ”дан туғиладиган ҳолнинг гўзаллигидан сабоқ беради:

*Истасангким, ургасен давронга тийғи инқитоъ,*

*Ул видо эткунча сен қилғил бурунроқ алвидоъ.*

Аслида, инсонни ҳалокатга етакловчи, инсонни инсонийликдан йироқлаштирувчи нарса – молу жоҳ севгиси. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, “сув уруғни ундиргани каби мол, шуҳрат севгиси ҳам қалбда нифоқ ундиради” [2]. Бу – ҳаммага аён ҳақиқат. Бироқ инсон барибир ўз ширин жонини ҳалокатга олиб борувчи ўша амал, мартаба йўлида қурбон қилаверади. Ҳазалнинг иккинчи байтида мансабу мартаба қайғусида умр

ўтказган, унинг учун ҳатто тиф билан гуноҳ қилишдан ҳам тоймайдиган кишининг “назь вақти”, яъни жон чиқар вақтидаги қийин ҳолидан сўз юритилади. Улуғ шоир бундай одамнинг ажал тезроқ етишини ҳар қанча истаб “низоъ” қилиши бефойдалигини таъкидлар экан, бу аччиқ ҳолат ҳақида ҳар бир киши олдинроқ ўйлаши, амалу мансаб учун жон талошмаслиги, амал қайғусини ширин жондан ҳам устун қўйишининг оқибати хусусида чуқурроқ мушоҳада юритишга чорлайди:

*Жон бериб ширину муҳлик жоҳ учун илгингда тийғ,*

*Назь вақти шарбати марғ истаб айлайсен низоъ.*

Алишер Навоий кейинги байтларда ҳам илоҳий-ирфоний ҳукмлар асосида дунёнинг ўткинчилиги, бойлик, мол-мулкнинг бақосизлигини турли бадиий тасвирлар орқали баён этади. Чунончи, шоир “каттон кафан”, “ҳашр бозори” тимсоллари воситасида бу дунёда тўпланган, фойдали ишга сарф қилинмай асралган нарсаларнинг маҳшар куни ҳеч қандай қиймат қасб этолмаслигини таъкидласа, кейинги байтда инсоннинг тупроқдан яралгани ва қайтар жойи ҳам яна ўша тупроқ эканини ёдга олади:

*Масканинг охир чу туфроғдурур, не ўткармакдурур*

*Маѓфанинг айвониға кўк гумбазидин иртифоъ.*

Ғазалда келтирилишича, бу оламда барча нарса ўткинчи. Ҳамма нарса охир-оқибат ўз аслига қайтади. Жумладан, инсон ҳам. Шундай экан, қабр устида баланд гумбаз қурмоқ нега керак? Элнинг норозилиги, маломати остида қурилган “сандабойин эв”– ҳашамдор уйлар аслида бош оғриғидан ўзга нарса келтирмайди-ку?!

Бойлик ортидан қувиш, ҳашамга берилиш ва уларга меҳр қўйиш – инсонни қалбан бузади. Кейин у бир қорин ғамида шоир айтмоқчидек,

миннат юкидан ҳам бўлиб “ер ўпиш” – ўзича “намоз ихтироъ” қилишдан ҳам тоймайди:

*Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин ҳам бўлуб,*

*Тенгри ёрингким, қилибсен хуш намозе ихтироъ.*

Аслида, ризқни кенг қилувчи ҳам танг қилувчи ҳам Аллоҳ. Инсоннинг кадди фақат Аллоҳ учун эгилиши, унинг чексиз қудратини шарафлаб ер ўпиши – сажда айлаши лозим. Лекин шоир ташбеҳ орқали ишора этган бировдан тамаъ айлаб, ризқ-рўз, бойлик, амалу-мансаб илинжида бандасига куллуқ қилиш, миннатли ризқнинг миннатидан оғринмай инсонийлик кадр-кимматини англамаслик – ҳақиқий фожеа.

Ўз карашларини турли ўхшатишлар асосида ифода этган шоир еттинчи байтда яна бир янгича ташбиҳ ишлатади:

*Дур қулогингда момуқдин бир чигитдур, эл сўзин*

*Бу момуқ бирла чигитдин айламассен истимоъ.*

Зеб-зийнат, ҳашам гўё юмшоқ пахта. Момик ичида эса чигит яширин бўлади. Шунинг назарда тутиб шоир дурни пахта ичидаги чигитга ўхшатади. Дур – қимматбаҳо тош қулоққа тақилгач (гўё “момик бирла чигит” қулоқни беркитганидек) эл сўзи қулоққа кирмайди. Бу ташбеҳ орқали шоир бойлик қалбан боғланиш ёки уни севиш одамни элдан, эзгуликдан йироқлаштириши, кўнгилда кибру ҳаво, манманликни пайдо қилишидан огоҳ этган.

Ғазалнинг энг эътиборли, шоҳбайти саккизинчи байт. Бу байт “насихаторо ва маъвизатосо” руҳида битилган бўлиб, бутун ғазалда илгари сурилган фикрларни ўзида умумлаштирган. Байтда шоир даврон, молу жоҳга



интилиш, хашам, зебу зийнатга ўчлик – бари “нафс ити”нинг истаклари эканини ошкор қилади ва ўқувчини:

*Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,*

*Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендин шужоъ, –*

дея нафсни забун айлашга ундайди. Нафсни жиловлаш, уни ожиз айлаш осон эмас. Улуғ шоир айтганидек, ўрмондаги шерни мағлуб этиш, нафсни енгишдан осон. Шу боис ўз нафсини мағлуб этолган кишинигина ҳақиқий мард, янада аниқроғи, чин инсон дейиш мумкин. Бундай инсоннинг ҳаёти, яшаш тарзи инсонийлик шарафига мутлақ хос ва мос. Унинг кўнгли нафс ғуборларидан тозалангани сайин руҳий юксакликлар, маънавий кенгликларга томон интилади. Ҳаётдан лаззатланади, яшашнинг завқу шавқини туяди. Бу хусусда Шаҳобиддин Умар Сухравардий “Авориф ул-маориф” асарида шундай ёзади: “Нафс тасфия ва тазкия этилгач, руҳ нафснинг қоронғулик ва ёмонликка йўналтирувчи таъсиридан халос бўлади. Натижада Ҳаққа қараб қурбият мақомларига юксала бошлайди. Шунда қалб ҳам муқимлашгувчи ҳолатидан ажралиб руҳга томон йўналади, ундан келадиган амр ва ишоратларни қабул қила бошлайди. Ўзининг сифатларига кўшимча ўлароқ бошқа олий сифатга етишади. Қалбдан ҳам мусаффо ва шарафли ушбу сифатни англаш қийин бўлганлиги учун унга сир номи берилгандир” [5]. Шу ҳақиқатни эътиборда тутиб улуғ шоир мактада сир хусусида тўхталади ва сирнинг кўнгил билан боғлиқлиги, унга тилнинг маҳрам бўла олмаслигини “ҳамма сир икки тиш орасидан барчага ёйилади” деган арабий ибора билан далиллайди:

*Эй Навоий, тенгри асрорига тил маҳрам эмас,*

*Чок кўнглунг ичра тутким “жоваз-ал-иснайни шоъ”.*

Шоир эътирофича, сир шунчаки оддийгина барчадан яширин тутиладиган нарса эмас, балки у Ҳақ томонидан кўнгилга етадиган нур, файз.

Унга ҳар қандай кўнгил ҳам муносиб топилавермайди. Инсон қачонки нафс истақларидан воз кечса, бу йўлдаги заҳматларни марҳамат ўрнида билса, ўз ва ўзликни маҳв айлаб, Ҳақдан бошқани кўнгилдан чиқарса, унинг кўнгли руҳнинг эрк ва ҳурликлигидан юз очажак сирлар маконига айланади.

Хуллас, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ўқувчини бир дам ўз аслига назар солишга, ўз ҳақиқатини мушоҳада этишга ундайди. Унда айтилган ўғитлардан ҳаётнинг, инсонийлик шарафига мувофиқ яшашнинг беҳад юксак эканига иқрор бўласиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

9. Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. III том. (Ғаройиб ус-сиғар). – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
10. Ғаззолий, Абу Ҳамид. Мукошафат ул-қулуб. – Тошкент: Адолат, 2002. – 288 б.
11. Ҳаққул, Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
12. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul: Ma'rifat, 1995. – 604 б.
13. Suhreverdi Ş. Avarifu'l mearif. – Istanbul, 1999. – 576 б.

## **МУНДАРИЖА**

### ***Инновацион заоялар ва ишланмалар***

**Н.П.АЗИЗОВ.** Ўзбекистон Республикаси конституцияси тараққиёти –  
жамият ҳаётининг муҳим омили-----3

### ***Иқтисод***

**А.А.ИСАДЖАНОВ.** Зиёрат туризми: пандемиядан кейинги даврда  
ривожланишнинг устувор йўналишлари-----19

**З.Р.СОДИКОВ.** Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашув  
тенденцияси-----29

**Қ.Қ.ҲАҚБЕРДИЕВ.** Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг  
шаклланишидаги замонавий хусусиятлар-----39

**А.А.АБДУВОХИДОВ, Д.А.АНАРКУЛОВ.** Олий таълим муассасаларида  
инновацияларни тижоратлаштириш моделларини такомиллаштириш-----49

**А.А.МАМАНАЗАРОВ.** Ишчи кучи ресурслари таркибини  
такомиллаштириш орқали миллий бойлик ҳажмини ошириш-----66

**Ш.Х.ДУСИЯРОВ.** Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва қулай  
ишбилармонлик муҳитини яратишда солиқ сиёсатининг тутган ўрни-----80

### ***Юридик***

**Д.Б.БАЗАРОВА.** Жиноят-процессуал шакллар – шахс ҳуқуқларини  
таъминлашдаги асосий воситалар сифатида-----93

**А.А.ХУЖАНАЗАРОВ.** Норма ижодкорлиги фаолиятига услубий  
раҳбарликни амалга ошириш: ташкилий-ҳуқуқий асослари-----102

**Н.С.ПУЛАТОВА.** Этапы развития и эволюция судебной защиты в  
обеспечении прав человека в Узбекистане-----111

### ***Филология***

**Н.П.БОЗОРОВА.** Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар”  
девонидаги бир ғазал шарҳи-----124

**Г.Ё.ХОЛИҚУЛОВА.** Бобур ва унинг издошлари шеърлятида  
ғазал жанри-----132

**Б.РАҲМОНОВ.** Тарихий хотира ва эпик онгнинг эпос яралиши ва  
тараққиётидаги ижтимоий-эстетик ўрни-----141

**Б.РАҲМОНОВ.** Халқ эпоси поэтик тизимида бадиий услуб ва сўзнинг  
эстетик мавқеи-----151

**Г.САИДҒАНИЕВА.** XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида Кўкон  
адабий муҳити (Комил Жўра ижоди мисолида)-----161

**А.Р.ДАВЛАТОВА.** Абдулла Орипов лирикасида рамзийлик-----172

**Г.А.ЖУРАЕВА.** Ўзбек болалар шеърлятида шаклий-мазмуний  
янгилаш ҳамда изланишлар-----185

**М.Ш.ТУХТАСИНОВА.** Л.З.Будагов луғатида эски ўзбекча  
сўзларнинг изоҳланиши-----199

<b>Ҳ.М.ХУДОЙМУРОВОА.</b> Адиба Гулжаҳон Мардонованинг «Қуёшим-энам» асарида услуб ва маҳорат-----	210
<b>Н.КЕЛДИЁРОВА.</b> Ўтган асрнинг 70-90 йиллар ўзбек шеърлятида поэтик образ яратиш муаммоси-----	219
<b>Н.Р.АБДУЛЛАЕВА.</b> Ўзбек ва инглиз тилларида “Earth – Ер” концептининг маъноси ва хусусиятига кўра тахлили-----	231
<b>У.Д.РАХИМОВА.</b> Ҳамид Олимжоннинг бадий санъатларидан фойдаланишдаги маҳорати тахлили-----	238
<b>Г.ШУКУРОВА.</b> Мемуар асарда уруш ва жангчи қисматининг фожиавий талқини-----	247
<b>Ю.Ж.ДАВИДОВ.</b> Сўз ясаляшида шакл ва мазмун мутаносиблиги-----	256
<b>М.Ш.МУХТОРОВА.</b> Иброҳим Ҳаққулнинг Алишер Навоий рубоий ва китъа жанрлари олами тахлили-----	266
<b>А.Р.ШАЙМАРДАНОВА.</b> Маданий лақунанинг мулоқотдаги ўрни (“Янга” тушунчаси мисолида)-----	276
<b>Р.САИДОВА.</b> Маломат маслаги ва маломат холи-----	285-
<b>Н.А.АБДУВАЛИЕВА.</b> Алишер Навоий ғазалларида маънодошликнинг ифодаланиши-----	294
<b>У.САНАКУЛОВ.</b> «Бадойиъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя» девонларида Лайли ва Мажнун тимсоллари талқини-----	303
<b>О.З.ДАДАЖОНОВ.</b> Немис маърифатчилик драмасида назарий-поэтик ёндашувлар-----	312
<b>Ш.Р.АТАМУРАДОВ.</b> Прагматик тўсиқ прагмалингвистика муаммоси сифатида-----	324
<b><i>Фалсафа</i></b>	
<b>Г.Т.ТУЛЕМЕТОВА, У.М.ХАСАНБАЕВ.</b> К вопросу о научно-методологической базе религиозной экспертизы в Узбекистане и подготовке кадров в этой сфере-----	333
<b>О.Ж.ЎРОҚОВА.</b> Шарқ фалсафаси тарихида “Мусаффолик оғалари”нинг фалсафий-эстетик қарашлари-----	348
<b><i>Тарих</i></b>	
<b>Х.С.ЖУМАНАЗАРОВ.</b> Ўзбек халқ табобатининг тарихига назар-----	362
<b><i>Тиббиёт</i></b>	
<b>Д.АДАМЧУК, Б.НИЯЗМЕТОВ.</b> Всасывание углеводов у домашних животных IN VIVO на фоне влияния папаверина и его экскреция-----	372
<b>МУНДАРИЖА</b> -----	<b>382</b>

Масъул муҳаррир:

**Г.А.Мардонова**

Таржимон:

**З.Т.Бобоева**

Техник мутахассис:

**А.Назаркулов**

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал)  
2021 йил, декабрь сони**

**Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй**